



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 126 (12.939)

Баҳоси эркин нарҳда


ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ

**Президентимиз Ислам Каримов
раҳнамолигида касб-ҳунар
коллежлари битирувчилари
бандлигини таъминлашга алоҳида
эътибор қаратилётгани
ёшларимизнинг жамиятда ўз ўрнини
топишига, уларнинг ҳаётга, меҳнатга
тўғри муносабатини шакллантиришга
хизмат қилмоқда.**

Битирувчи — 2015

КОЛЛЕЖДАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА



Ёшлар Шамалдиннинг олган сурат

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида аҳоли бандлигини таъминлаш, аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртли битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шароитлар яратиш ижтимоий сиёсатимизнинг энг муҳим устувор йўналиши эканини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда ёшларни иш билан таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ишлаб чиқариш амалиётига кенг жалб этилмоқда, уч томонлама шартномалар асосида улар иш билан таъминланаётган.

Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандлик коллежид ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ушбу билим масканида ўн та йўналиш бўйича 1155 йилгит-қиз тахсил олмақда. Жорий йилда мазкур даргоҳни 396 битирувчи тамомламоқда. Таълим масканида ўқитиш сифати ва самарадорлигини янада ошириш, янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш, малакали мутахассисларни тайёрлаш борасида самарали ишлар амалга ошириляётган.

Коллежда ўқув бинолари, лабораториялар, ишлаб чиқариш устакхоналари, спорт зали, замонавий технологиялар билан таъминланган ахборот-ресурс маркази ёшларнинг билим ва касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаши, ҳар томонлама соғлом ўсиб-ўлғайиши учун кенг имконият яратмоқда. Ўттизга яқин мультимедиа, учта компьютер ва лингафон хоналари — ёшлар ихтиёрида. Фанлар бўйича тўғрақлар ташкил этилган.

Коллежда битирувчилар бандлигини таъминлаш мақсадида ташкилот ва муассасалар билан изчил ҳамкорлик ўрнатилган. Айни пайтда коллеж битирувчиларининг 356 нафари уч томонлама шартнома бўйича «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси «Чуқурсой» темир йўл станцияси, Халқ банкининг Олмазор тумани филиали, «Файз-текстиль» ва «Касана сервис» масъулияти чекланган жамиятлари, 3-автобус саройи ва бошқа муассасаларда иш бошлаш арафасида. Битирувчилар орасида банклардан имтиёзли кредит олиб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш истагидаги йилгит-қизлар ҳам кўп.

— Ҳар бир ёшнинг билим ва дунёқараши, юрт олдидаги масъулиятини ҳис этиши, фидойилиги, таълим-тарбия жараёнига бевосита боғлиқ, — дейди коллеж директори Шўҳрат Иноятов. — Коллежимизнинг иқтидорли ёшлари «Қўли гул уста», «Ишбилармон талаба» каби кўрик-танловларда ўз ижодий ишлари билан қатнашиб, юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Таълим соҳасида ижтимоий шериклики ривожлантириш амалиётининг кенг татбиқ этиляётгани ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Ўқувчилар ўртасида бир неча бор сўровнома ўтказилиб, келаждаги режалари ўрганилди. Унга кўра, ўттиздан ортиқ битирувчи тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирди. Уларнинг бизнес режалари «Микрокредитбанк»нинг Шайхонтоҳур тумани бўлими томонидан қўриб чиқилиб, истиқболли деб топилганларига имтиёзли кредитлар ажратилди.

Нигора Ражабова — шундай ёшлардан бири. У ўз бизнесини бошлаб олиши учун уч миллион сўм имтиёзли кредитга эга бўлди.

— Бугунги кунда замонавий, сифатли либосларга эҳтиёж катта, — дейди ЎЗА муҳбирига Н.Ражабова. — Мана шу талабни ҳисобга олган ҳолда юртимизда ишлаб чиқарилган соф табиий матолардан миллий ва замонавий дизайндаги болалар ва аёллар кийим-кечаклари тикмоқдамиз. Уч тенгдошим менга яқиндан ёрдам бермоқда. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз тез сотилмоқда. Келгусида цехимизни замон талабларига мос қайта жиҳозлаш ва либосларимизни хорижий мамлакатларга экспорт қилиш ниятидамиз.

Шаҳноза МАМАТУРОВА

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДА — КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ

**Пойтахтимизда давлат харидлари тизимини
такомиллаштириш мавзусида йилгили бўлиб ўтди. Унда
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бош
прокуратура, Савдо-саноат палатаси, Ҳисоб палатаси,
Республика товар-ҳомашё биржаси, Кичик бизнес
субъектлари маҳсулотларини қўллаб-қувватлаш маркази
раҳбарлари ва ходимлари иштирок этди.**

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг ўринбосари — Фазначилик бошлиғи Б.Ашрафхонов ва бошқалар мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини амалга ошириш фаол иштирокчилиги таъминлашда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 7 февралдаги «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги Қарори дастуруламал бўляётган.

Қарорга кўра, давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида давлат харидларини амалга оширишда кичик бизнес субъектларига улушлар (квоталар) ажратиш орқали уларнинг товар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш учун давлат буюртмаларини қабул қилишдаги иштироки кенгайтирилди. Республика товар-ҳомашё биржасининг электрон савдо-саноат палатаси бўйича кичик бизнес субъектлари амалга оширадиган харидлар бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) гуруҳига ўрнатилган минимал улушлар миқдорини белгилаб берувчи комиссия фаолият юритмоқда. Бу маҳаллий товар бозорларида рақобатнинг ривожланиши ва давлат харидларини амалга оширишда ошқ-ошқораликни таъминламоқда.

Молия вазирлигининг ўқув марказида давлат харидлари электрон савдо механизмини амалга ошириш бўйича бюджетдан маблағ олувчилар ва кичик бизнес субъектлари учун махсус ўқув курслари ташкил этилган. Унда бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларнинг давлат харидларида масъул 25 мингдан зиёд ходими ўз малакасини оширди.

Хусусий тадбиркорларнинг хомашё ресурсларидан фойдаланиш имконияти, биринчи навбатда, бундай махсулотларни биржа ва ярмарка савдоларида сотиш ҳажмини кўпайтириш ҳисобидан сезиларли равишда кенгайтирилди. Масалан, 2014 йилда улар Республика товар-ҳомашё биржасида қарийб 3 триллион сўмлик ёки 2013 йилга нисбатан 1,6 баробар кўп хомашё ва материаллар сотиб олган. Биржа савдолари орқали ўзлари ишлаб чиқарган 1 триллион 500 миллиард сўмлик махсулотни сотди, бу 2013 йилга қараганда 1,7 баробар кўпдир.

Тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида Республика товар-ҳомашё биржаси ва унинг ҳудудий бўлимлари орқали ташкиллаштирилган алоҳида товар (иш, хизмат) турларига давлат харидларини электрон портал орқали амалга ошириш йўлга қўйилди. Электрон савдолар Республика товар-ҳомашё биржаси, унинг туманлардаги савдо майдончаларида тизимли тарзда ташкил этилмоқда.

Давлат харидларини амалга оширишда замонавий электрон биржа савдолари тизими жорий этилмоқда. Бундай савдоларни ташкил этиш учун Давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали (Davlatkard.uz) фаолият кўрсатмоқда.

Тадбирда давлат харидлари жараёни билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар берилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА муҳбири

**Республика товар-ҳомашё биржасида электрон харидларни
ташкил этиш ва ўтказишда ошқораликни таъминлаш, уларда
кичик бизнес субъектлари иштирокининг аҳамияти ва жорий
этилган янги савдо платформаси истиқболларига бағишланган
матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

ЭЛЕКТРОН САВДО ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Республика товар-ҳомашё биржаси томонидан биржада давлат ва корпоратив харидларини жорий этиш, биржа савдоларида кичик бизнес субъектларининг ролини янада кучайтириш, тизимнинг ошқ-ошқоралигини таъминлаш, биржа фаолиятида янги йўналишларни ўзлаштириш юзасидан кенг қўлмалли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 7 февралдаги «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги ва 2013 йил 5 апрелдаги «Электрон харидлар тизимини мақбуллаштириш ва улардан тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида»ги Қарорлари бу борадаги устувор вазифаларни белгилаб берди.

Тадбирда таъкидланганидек, электрон харидлар тизими давлат ва корпоратив харидлар савдо платформаларидан иборат бўлиб, улар бошланғич нархларни пайсантиришга қаратилган электрон аукцион савдолар шаклида амалга оширилади. 2014 йилда электрон харидларнинг умумий ҳажми 821 миллиард сўмга етгани мамлакатимизда кейинги йилларда бу борада муттасил ўсиш суръатлари қайд этиляётганини кўрсатади. Бунда давлат харидлари ҳажми 2013 йилга нисбатан 13 фоизга ўсиб, 470,6 миллиард сўмни ташкил этди. Корпоратив харидларнинг айланмаси эса 350 миллиард сўмдан ошди.

Электрон савдоларнинг бошланғич босқичида ҳар бир буюртмага атиги иккитадан таклиф келиб тушган бўлса, бугунга келиб давлат ва корпоратив харидлар бўйича ўтказилаётган савдоларда ҳар бир талабномага олти-тагача таклиф чиқмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакилларининг иштироки тобора кенгайиб бориши электрон савдоларининг юқори суръатда ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, 2014 йилда давлат харидлари

бўйича тузилган битимларда уларнинг улуши 99 фоиз, корпоратив харидлар бўйича бу кўрсаткич 96 фоизни ташкил этган.

Савдо тизимининг ошқоралиги, аввало, электрон харидлар бўйича ахборот ресурси ва бир вақтинг ўзида кўптармоқли савдо платформаси вазифасини бажараётган биржанинг махсус ахборот портали орқали таъминланмоқда. Электрон харидлар ташкил этилишининг яна бир муҳим шартларидан бири, бу савдо голиби аниқланаётган пайтда инсон омилнинг мавжуд эмаслигидир. Харидлар ҳажми ва қўлама тобора кенгайиб бораётгани бозордаги соф рақобат муҳити янада ривожланишига хизмат қилмоқда.

Тизимдаги афзалликлар бюджет ташкилотлари, монополия субъектлари, давлат унитар корхоналари ва устас фондиди 50 фоиздан ортиқ давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларининг харид фаолияти самарадорлигини таъминланмоқда. Хусусан, 2013 йилда 83 миллиард бюджет маблағлари тежаб қолинган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йили 117,4 миллиард сўмни ташкил этди. Корпоратив харидлар бўйича ўтказилган аукцион савдоларда бошланғич нархларнинг пайсантириш ҳисобида 64,1 миллиард сўм тежаб қолинди.

— Давлат харидлар жараёни янада соддалаштириш, уларга тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш мақсадида 2015 йилнинг 1 июнидан янги савдо тизими жорий этилди, — дейди ЎЗА муҳбирига Республика товар-ҳомашё биржаси кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш маркази бош мутахассиси Жасур Юнусов. — Ушбу савдо тизими тўла автоматлаштирилган тартибда ишлайди. Хусусан, товарни танлаш, энг арзон нархни буюртмачига тақдим этиш, шартномани шакллантириш автоматик тарзда амалга оширилади.

Анжуманда журналистларнинг саволларига мутахассислар жавоб қайтарди.

Б.БОЗОРОВ

XXI саҳоси аср

Барча
манбалардан
олинган сўнгги
хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззах вилоятида жорий йилнинг биринчи чорагида 3 миллион 800 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар ва хизматлар экспорти амалга оширилди. Вилоят иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар амалга оширилиши туфайли саноат соҳасида 2014 йилда 237, жорий йилнинг биринчи чорагида 18 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Бугунги кунда ушбу замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналарда рақобатбардош, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариляётган.

● Жалакудук туманидаги агро-саноат касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Андижон вилояти кенгаши ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Андижон ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

● Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги «Қамолот» ёшлар оромгоҳида ёш журналистлар учун ўтказилган медиа-тренинг муваффақиятли якунига етди. Унда турли кўрик-танловларда голиб бўлган истеъдодли ёшлар, ҳаракат фаоллари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини мунтазам ёритиб келаяётган 150 нафар ёш ва ҳаваскор журналистлар иштирок этди.

● Нукусда «Мулкдор оила» ҳамда «Оилавий тадбиркорликдан — мустақам оилага» лойиҳаларининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи голибларига банкдан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

ЖАҲОНДА

● Номалум кишилар АҚШнинг Чарльстон шаҳридаги Эммануэл черковида отишма содир этганлиги натижасида 9 киши ҳаётдан кўз юмди. Ҳалок бўлганлар орасида Жанубий Каролина штати сенатори ва черковнинг руҳонийси ҳам бор. Отишма сабаблари ҳозирча маълум эмас.

● Непалда рўй берган, катта вайронагарчиликларни келтириб чиқарган кучли zilзила натижасида ер юзининг энг баланд қисми ҳисобланмиш — Эверест тоғининг чўққиси жанубий-ғарбий томонга уч сантиметрга силжиди.

● ФИФАда юз берган можаролар халқаро футбол федерациясининг футбол орангадлари ва Интерпол билан муносабатларига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. 2011 йилда халқаро полиция ташкилоти ФИФАдан 20 миллион евро ҳажмида маблағ олган эди. Бу иш ФИФА ва Интерпол ўртасида келишилган учрашувлар ва ноқонуний ўйинлар ўтказилишини аниқлаш ва бу борада айбдорларга тегишли чоралар кўриш бўйича ўн йиллик ҳамкорлиги доирасида бўлиб ўтган эди. Қуни кеча Интерполнинг бош котиби Юрген Сток ҳозирда ФИФАда бўлиб ўтаётган воқеалар туфайли ташкилот билан ўзаро алоқаларни тўхтатиш ҳақида қарор қилинганлигини билдирди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ҳамда иқтисодиётга инвестицияларни кенг жалб этишда суғурта муҳим ўрин тутати. Соҳани ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар, суғурта фаолиятига оид қонунчилик такомиллаштирилаётгани аҳолининг суғурта компанияларига бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Мамлакатимизда иштиёрий шахсий суғурталаш билан бир қаторда мажбурий суғурта тизими ҳам ривожланмоқда. Бу фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини, шунингдек, корхона, ташкилот ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилаётди.

2015 йил 27 майда қўрилган «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни соҳани янада ривожлантириш, суғурта бозоридagi муносабатларни янги босқичга кўтаришда муҳим қадам бўлди.

Қонун 6 боб, 26 моддадан иборат бўлиб, уни ишлаб чиқишда соҳага оид халқаро ҳуқуқий меъёрлар таъмин қилинган. Қонун қўриқчилари шунингдек, фуқароларнинг манфаатларини тўла ҳимоя қилиш учун йўловчиларнинг мажбурий шахсий суғуртаси ўрнига, ташувчининг йўловчилар олдида фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш механизми қўлланилмоқда. АҚШ, Европа Иттифоқининг деярли барча давлатлари, Канада, Япония каби мамлакатларда шу йўналишда қонун қабул қилинган ва ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тизими жорий этилган.

Янги қонунда ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш амалиёти назарда тутилган. Бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида транспорт воситаларининг барча турларида таъминлаш амалга оширишда йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига етказилган зарарининг ўрнини қоплашни қаролатилади.

Шу қўлга қадар йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарининг ўрнини қоплаш бўйича суғурта ҳимояси 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорт йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида»ги қонун билан таъминлаб келинган. Унда йўловчи-

ларга етказилган зарарининг ўрнини қоплаш қаролати етарли даражада эмас эди.

Янги қонун билан эски қонунчиликда мавжуд бўлган муайян бўлиқлар барҳам топади. Мухими шундаки, қонун билан ташувчининг ҳуқуқий мақоми белгиланган. Унга қўра, ташувчи сифатида шахар йўловчи транспортда, темир йўл, ҳаво, дарё транспортда ва бошқа транспортларда йўловчиларни ҳамда уларнинг мол-мулкни тижорат асосида ташиш бўйича хизматлар кўрсатувчи ва унинг учун махсус рухсатномага эки лицензияга эга бўлган юридик шахс белгиланган.

Янги қонун моҳияти

СУГУРТА ОРҚАЛИ ҲИМОЯЛАШ ТИЗИМИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Бундан ташқари, мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари ва уни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши, амал қилиш муддати, суғурта пули, низолати ҳал этиш тартиби аниқлаштирилган. Эндиликда йўловчи, жабрланувчи ва наф олувчи ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари тўғрисидаги ахборотни ҳамда суғурталовчи ҳақидаги зарур маълумотларни ташувчиндан бепул олиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари устуворлиги таъминлидан келиб чиқиб, суғурталовчиларга нисбатан алоҳида талаблар белгиланган. Хусусан, суғурталовчи тегишли лицензияга эга бўлиши зарур. Ўз навбатида, у Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий су-

гурта қилиш шартномасини тузишга, ташувчилар, жабрланувчилар ва наф олувчиларнинг суғурта товоғи ҳақидаги талабларини қўриб чиқишга ҳамда суғурта товоғини амалга оширишга ваколатли ўз филиалларига эга бўлиши лозим.

Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга оширишга ҳақли бўлган суғурталовчилар ўртасида суғурта шериклигини тузиш тўғрисида ёзма битим тузилиши шарт. Ушбу талаб суғурта ҳодисаси содир бўлган ташувчи, йўловчи ва наф олувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади ҳамда суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлайди. Бу каби талаб амалдаги қонунчиликни транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга оширувчи суғурталовчиларга қўйилган. Унга қўра, «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ суғурталовчилар тўловларни қаролатлаш жамғармаси билан ёзма битимлар тузишлари шарт.

Қонунда ташувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича мажбурий бажарилишини назорат қилишни амалга оширувчи давлат органлари ҳам белгилаб қўйилган. Унга қўра, бундай вазифалар Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда қонун ҳужжатларида мувофиқ тегишли ваколатга эга бўлган бошқа давлат органлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Расман эълон қилинганидан кейин олти ой ўтгач қўра қирадиган янги қонун мажбурий суғурта тизимининг кенгайиши ҳисобига суғурта бозори ва транспорт инфратузилмасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизмат сифатининг янада ошишига ва янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

Отабек МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Аамалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти бош мутахассиси.
ЎЗА

«FRANCE 2» ТЕЛЕКАНАЛИ САМАРҚАНД ВА БУХОРО ҲАҚИДА

Франциянинг давлатга қарашли бўлган «France 2» етакчи телеканали Ўзбекистоннинг афсонавий шаҳарлари – Самарқанд ва Бухоро ҳақидаги махсус репортажларни ўзининг 10 миллион нафардан зиёд томошабинлари эътиборига ҳавола қилди.

Ушбу телеқишлоқлар Буюк Ипак йўли йўналиши ҳақидаги туркум кўрсатувларнинг бир бўлаги сифатида намойиш этилди. Мазкур йўналиш ҳақидаги дастлабки репортажлар Хитойнинг турли провинцияларига бағишланган эди.

Мамлакатимиз шаҳарлари ҳақида ҳикоя қилувчи телематериаллар «France 2» телеканали мухбирлари А.Микози ва П.Ашерте томонидан тайёрланган. Улар 2015 йил май ойида иккунчи сафар билан Ўзбекистонга келишган эди.

Муаллифлар Амир Темур давлатининг пойтахти — Самарқанд шаҳрини Шарқ ва Ғарб цивилизациялари учраштирадиган, Буюк Ипак йўлининг юраги ва энг гўзал шаҳри, дея таърифлайди.

Франциялик журналистлар юз йил муқаддам бўлган каби бугунги кунда ҳам Самарқанд ўзининг бетакрор гўзаллиги, тарихий ёдгорликларнинг маҳобати, мадраса, мақбара ва мовий гўлбазлари билан Ғарб саёҳатчиларининг эътиборини тортиб турганини алоҳида таъкидлашган.

Репортажларда ўзбекистонлик таъмирчи усталарнинг фидойи инсон сифатидаги ишлари ҳақида алоҳида илқ сўзлар тилга олинади. Уларнинг санъаткорона меҳнати туфайли меъморий ёдгорликлар бугунги кунда ҳам дастлаб барпо этилган қўриқинида кўзларни қувонтириб келаётгани қайд этилади.

Тарихдан маълумки, ўрта асрларда Самарқандда қўғоз ишлаб чиқариш юксак даражада бўлган. Самарқанд қўғозлари пишиқлиги, сифати ва кўзни тўлдирмайдиган рангда бўлгани сабаб дунёдаги энг машҳур қўғоз саналган. Хуросон, Ҳиндистон ва Араб мамлакатлари бозорларида Самарқанд қўғозига алоҳида талаб ва эҳтиёж бўлган. Мустақилликдан сўнг маҳаллий усталар томонидан Самарқанд қўғозини ишлаб чиқариш қайтадан йўлга қўйилгани ҳақидаги лавҳалар ҳам томошабинларда катта қизиқиш уйғотиши тайин.

Муаллифлар Бухоро ҳақида ҳикоя қилишар экан, ушбу шаҳар қўна Буюк Ипак йўли давриддан бошлаб халқаро савдо-сотиқ марказларидан бири бўлганини таъкидлашди. Машҳур италиялик саёҳатчи Марко Поло XIII асрда Бухорини «Катта маҳобат шаҳри», дея таърифлагани ҳам тилга олинади. Бугунги кунда ҳам Бухоро ўзининг тарихий ёдгорликлари ва қўна савдо расталари билан дунёнинг турли бурчакларидан келган меҳмонларнинг эътиборини тортиб келаётгани алоҳида қайд этилади.

Шунингдек, Франциялик журналистлар ўзбек халқининг миллий таомлари, хусусан, ахёйиб таом — палов тайёрлаш санъати ҳақида ҳам атрафчилик қил юритишган.

Телеавҳаларда Ўзбекистоннинг мўътадил, маърифий ислом маркази эканлиги, бой тарих ва маданиятга, ўзига хос меҳмондўстлик ва оққунгил халқига эъломи, ана шундай омиллар туфайли бу юрт бутун дунё сайёҳларини ўзига оҳанрабодек жалб этаётгани хусусидаги фикрлар кўп миллионли телетомошабинларга маълум қилинади.

Юқоридагилардан ташқари, мамлакатимизга келаётган европалик сайёҳларнинг катта қисмини франциялик саёҳатчилар ташкил этиши, улар ҳозирги пайтда маданий сайёҳликнинг Осиёдаги янги маркази сифатида Ўзбекистонни танлашгаётгани алоҳида қайд этилади.

«Жаҳон» АА
Париж

Анжуманлар САМАРАЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институтида «2015 йилда сел-тошқин ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида» ҳамда «Фавқулодда вазиятлар содир бўлган шароитда раҳбар органларини ҳаракат қилишга тайёрлаш» мавзуларида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Республикаимиз ҳудудларида сел-тошқин ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича кенг қўламли ва самарали ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

— Ўтган даврда ҳудудий фавқулодда вазиятлар бошқармаларининг асосий фаолияти юзига келиши мумкин бўлган табиий ҳалда техноген хусусидаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда уларнинг оқибатларини тезкорлик билан бартараф этишга қаратилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бошқармасининг бўлим бошлиғи Аббор Жомолов. — Шу билан бирга фавқулодда вазиятлар таҳдид соғлиғида эки содир бўлганда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этилмаган аҳолини, таълим муассасалари, идора, ташкилот ва корхона раҳбарлар таркибини, фуқаро муҳофазаси мутахассислари ва тузилмалар командирларини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор берилди.

Маҳаллий ҳокимликлар томонидан маҳалла ва бошқа жамоатчилик ташкилотларини жалб этган ҳолда сел келиш хавфи мавжуд ҳудудларда яшовчи аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларининг олиб борилаётгани алоҳида эътиборга моликдир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, тегишли вазирликлар, идоралар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликда хавфли ҳудудларда дарёлар, сойлар ва каналлар ўзларини тозалаш, қирғоқ ва дамбаларни мустаҳкамлаш тадбирларини амалга ошириш юзасидан республикамиз ҳудудидида сел-тошқин ва ер кўчки хавфи мавжуд ҳудудларда яшовчи аҳолини кенг жалб қилган ҳолда 11 та қўмондонлик-штаб ва 65 та махсус-тактик бўлими шашқулар ўтказилди.

Тадбир сўнгашда иштирокчилар учун Зилзилани симуляция қилиш марказига экскурсия уюштирилди.

Қодирхон НОДИРХОНОВ,
ТДМРОХ талабаси



Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин намунаси

Ислом Исмомов олган сурат

«Қамолот» уйлари

ҲУДУДГА КЎРК БАҒИШЛАЙДИ

Тўрт қаватли замонавий тураржой биноси. Кўрган кўзни қувнатадиган иморат. Олд ва орқа қисмига чим ётқизилган. Чоғроққина болалар майдончаси. Карнай-сурнай садоси тадбир иштирокчиларини ўзига чорлайди. Ёш оила соҳиблари ота-она ва фарзандлари билан бу ерга кириб кела бошладилар. Кўп ўтмай, замонавий типда қурилган «Қамолот» уйлари ўз эгаларига топшириш маросими бошланди.

Дарҳақиқат, Бектемир туманидаги «Истиқбол» маҳалласи ҳудудидида ёш оилалар учун қўриб битказилган «Қамолот» уйлари ёшларга давлат даражасида кўрсатилаётган эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Иккита йўлакдан иборат янги тураржой биносидида 32 та оила икки, уч хонали квартира соҳиблари бўлишди.

— Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори таъминлашда ёш авлодини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган барча ишларга дастуруламал бўлмоқда, — деди тадбирда сўзга чиққан Бектемир тумани ҳокими Сарвар Маҳамедов. — Юксак маънавият, ақл-заковат бобида тенгқўрларидан илгариллаб кетаётган, катта-катта ютуқларни қўлга киритаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг меҳнат қилиш, яшаш, дам олиш шароитларини янада яхшилаш мақсадидида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши ва «Ипотека» банкнинг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида ана шу замонавий тураржой биноси фойдаланишга топширилди. Ўйлаймизки, 20 йил муддатга имтиёзли кредит асосида умумий суммаси тўланиб бориладиган тураржой ёшларимизга катта мадад бўлади.

К.Бехзод мемориал боғ музейида Республика рассомлик коллежининг катта ўқитувчиси Акбарали Тошматов ва ўқувчиларнинг ҳамда Республика дизайн коллежи ўқувчиси Гулноза Жалоловнинг «Ранглар сеҳри» номи кўргазмаси очилди.

Кўргазмалар

РАНГЛАР СЕҲРИ

Кўргазмага қўйилган 80 га яқин рангтаъсир, графика ва баъти йўналишида ишланган ижод намуналарида мамлакатимизнинг гўзал табиати ва унинг неъматлари, гуллари, турли ҳолатлардаги йил фасллари, турмуш тарзинининг турли қирралари, миллий қадриятларимиз, тарихий ёдгорликлар ўз

аксини топган. Уларда бадиийликни, рангларни танлашдаги эътиборни кўрамиз.

Экспозициядан устоз ва шогирдларнинг «Ғаллаоролда куз», «Баҳор», «Езги манзара», «Ўтмиш», «Куз саҳовати», «Пахта терими», «Ўрмонда қиш», «Тошкент. Хотира майдони», «Регистон», «Самарқанд»,

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲА ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

«ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди Ўзбекистон «Адолат» СДП билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг «Ёшларга ижобий ахборот муҳити имкониятини бериш» лойиҳасини амалга оширди.

Мазкур лойиҳа ижроси доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ёшлар билан лойиҳа ижрочилари томонидан учрашувлар ташкиллаштирилиб, семинар-тренинглардан сўнг респондентларга тарқатилган «Суровнома» асосида саволларга жавоблар тўплашиб, мониторинг қилинди.

Шундай учрашувлардан бири шаҳримиздаги алоқа касб-хунар коллежида ўқитувчилар ва ўқувчилар иштирокида ўтди. «Қўлай ахборот муҳитида ёшлар онгидида ижтимоий-сиёсий жараёнлар» деб номланган давра суҳбатидида таъкидлаб ўтилганидек, бугун жамиятимизда электрон почта, интернет, теле-радио алоқа тизимларининг такомиллашиши натижасида, ахборот алмашинуви кескин кенгаймоқда. Бу ўз навбатида, ахборот хуруларининг кўпайишига, уларни бошқариш ва назоратининг қийинлашганлигига сабаб бўлмоқда. Шу боис, бугун Ўзбекистонда ҳам ўз ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосий масалалардан бирига айланди ва энди давлатнинг ахборот ресурслари унинг иқтисодий ва ҳарбий салоҳиятини белгиловчи омиллардан бўлиб, мамлакат хавфсизлигини ва демократик ахборотлашган жамиятининг муваффақиятли шакллантирилиши таъминлайди. Шунда жамиятда ахборот алмашинуви тезлиги юксалади, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш бўйича илгор ахборот коммуникациялар технологияларини қўллаш кенг қўламли амалга оширилади.

Бугун турли хилдаги ахборотлар интернет халқаро компьютер тармоғи орқали кириб келгани сабабли, мавжуд ахборотларга ноқонуний кириш, улардан фойдаланиш ва ўзгартириш, йўқотиш каби муаммолардан ҳимоя қилиш дэларб масалаларга айланмоқда. Шу боис, ахборотлаштириш соҳасидидаги давлатимиз сиёсати — ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини


ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган.

Тадбирда «ЭКОСАН» жамоат фонди бошқаруви раиси ўринбосари Сомилжон Жўраев лойиҳанинг мақсади ҳақида тўхталиб, Ўртабосимизнинг «Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида муҷассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шартини, таъбир жоиз бўлса, тама тоши ҳисобланади», деган фикрлари бу соҳадаги тарғибот-ташвиқот ишларида асосий омил бўлиб хизмат қилиши зарурлигини ўқтирди. У мазкур лойиҳа ижроси ҳам яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди гранти доирасида «ЭКОСАН» ва «Адолат» СДП ҳамкорлигида яқунланган «Муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг иқтисодий омиллари ва вазифалар» лойиҳаси ижросига берилган ижобий ҳулоса каби амалга оширилишига ишонч билдирди. Мазкур мавзуга оид учрашувларни Тошкент Давлат педагогика университетини ва Ўзбекистон таъвондо ассоциациясида ҳам ўтказиш бўйича тайёргарлик қўрилаётганини маълум қилди.

Коллеж директори Рустам Адхамов масканга «ЭКОСАН» ХХФ соғва қилган экологик адабиётлар ва плакатлар, Ўзбекистон «Адолат» СДП намойиш этган «Жаҳолат ботқоғи» ҳужжатли фильми, Тошкент Давлат педиатрия-тиббиёт институти профессори Эркин Турсуновнинг тамаки истеъморларига уяли телефондан нўтўғри фойдаланишнинг оқибатлари ҳақидаги ўғитларни ўқувчилар ўртасидаги тарбиявий ишларда муҳим восита, дарслардаги ўзлаштиришнинг савияси ошишида эса қимматли омил бўлишига ишонч билдирди.

Миркарим МИРСОВУРОВ,
«ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди бўлим бошлиғи

Хатлар — ҳаёт ойнаси



Қадри муштарийлар, газетамизнинг мухлислари!
Яна сизлар билан «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифаси орқали кўришиб турганимиздан беҳад мамнунмиз. Ҳаётда дўсту ёронларинг, ҳаммиша ёнингда турадиган яқинларинг бўлса қандай соз. Инсон ҳаёт қийинчиликларини енгиб ўтишда уларга суянади, моддий ва маънавий ёрдамларидан оёққа туриб, олдинга интилади.

Азиз газетхон, ушбу саҳифамиз сизларнинг қалб кечинмаларингиз, оқ қозоғга битилган юрак кўрингиз, қувончу ташвишларингизни ёритишга, ширин калом, миннатдорлик ва зарур маслаҳатларни бериб бориш мақсадида мунтазам чоп этилмоқда. Бизга ёзинг, кўнгириқ қилинг, кўнглингиздан кечган, сизни безовта қилаётган муаммо ва масалага бирга ечим топамиз. Сухбатлашамиз, фикрлашамиз, кўнглингизга йўл топишга ҳаракат қилиб, ҳаёт қувончлари, бахтли кунларимиз шукронасини бирга айтамыз.

Бунда албатта Сиз, азизлар йўллайдиган мактубларга ва кўнгириқларингизга таянамыз.

Муносабат

«БИР КҶРИБ КЕТИНГ МАҲАЛЛАМИЗНИ...»

мақоласи юзасидан туман ҳокими
таҳририятга жавоб йўллади

«Зийрак бобо шаҳар кезади» руқни остида бериб борилаётган мақолаларда маҳаллаларимизнинг ораста ва батартиб, айниқса кўп қаватли уйлар атрофларининг саранжом-саришта, болалар ўйин майдончаларининг ҳар жиҳатдан кўнглидагидек бўлиши, шу билан бирга ҳозирги кунда йўл қўйилаётган айрим камчиликларга барҳам бериш мақсадлари кўзда тутилган.

«Тошкент окшоми» газетасига Шайхонтоҳур туман ҳокими М. Мирқосимов имзоси билан юборилган хатда қуйидагилар билдирилган:

«Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги, «Тошкент окшоми» газетасида 2015 йил 12 июнда чоп этилган «Зийрак бобо шаҳар кезади» номли мақолада кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бўйича қуйидагиларни маълум қилади.

Ушбу мақолада кўрсатиб ўтилган Шайхонтоҳур туманидаги маҳаллалардаги камчиликлар бўйича жойлардаги маҳалла, ширкат раислари ва бириктирилган масъуллар томонидан тегишли ишлар ташкиллаштирилиб, «Гулобод» маҳалласидаги 10 ва 11-уйлар олди йиғилган чикиндилардан тозаланиш ҳамда «Қора-тош» маҳалласидаги 14-уйнинг йўлак кириш қисми таъмирдан чиқарилиб, камчиликлар бартараф этилди.

Юқоридагиларга қўшимча равишда фотоларга илова қилинади».

Газетхон таклиф этади

«МАТБУОТ» ДҶКОНЧАСИ ЎРНАТИЛСА...

Иш вақтимиз тугашига яқин «Қизим, озгина вақт ажратинг, дардимни сизларга айтмасам, кимга айтаман» дея, бир отахон куйиб-пишиб, кириб келдилар...

Биз отахоннинг «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига неча марта борганларимиз, лекин маҳаллага «Матбуот» дўкончаси қўйилишига эриша олмаганликлари, уларнинг мурожаатларига Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармасидан рад жавоби олганликлари ҳақидаги фикрларини диққат билан эшитдик. Хатларини газетхонлар эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.

«Мен Бектемир туманидаги «Мажнунтол» маҳалласида яшайман. Меҳнат фахрийсиман. Жуда ёшлимдан китоб, журнал, газета ўқишни жондидимдан яхши кўраман. Биласиз, китоб — илм манбаи, газеталарни ўқиганда бу оламда бўлаётган барча янгиликлардан хабардор бўласиз, оғимиз ошадиган, маънавиятимиз юксалади. Кейинги вақтларда газета топиб ўқишга қийналиб қолдим. Сабаби, атрофимизда газета-журнал сотаётган дўконча йўқ. Ёшлар интернет, телефон каби бугунги кун янгилигига «бошлари» билан шўнгиб кетишмоқ-

да. Ахир улар ҳам китоб, журнал, газета ўқишлари керак. Биз катталар бунга эътибор қаратмасак эртага кеч бўлмасмикин. Ҳар бир янгиликнинг яхши томони борлиги билан бирга, салбий жиҳати ҳам топилади. Ахир айрим ёшларнинг турли жиноят, ҳуқуқбузарликларнинг содир этиши, диний оқимларга кириб кетишида уларнинг таъсирини кўриб турибмиз. Биз «Мажнунтол» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси И. Жумаев ва маҳалладошлар билан «Сувос» даҳасида жойлашган деҳқон бозори атрофида «Матбуот» дўкончаси зарурлиги ҳақида «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига хат билан мурожаат этган эдик. Улар аввало дўкончани қаерга жойлаштириш керак бўлса, расмга олиб келинг, дейишди. Расмга олиб борсак, хатингизни Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармасига юбордик, жавобини кутяпмиз, дейишди. Мана энди эса, жавоб келди, у ерда дўконча ўрнатилиши имконияти йўқ экан дейишди.

Биз кўрсатган жойда имконият бўлмаса, улар ўзлари маълум жойни кўрсатишсин. Бозорча олдида борсангиз, ҳамма нарсаси сотилаётганига, кичик-кичик дўкончалар қатор қилиб ўрнатилганига кўзингиз тушадиган.

Биз «Мажнунтол» маҳалласи аҳолиси яқин атрофимизда матбуот дўкончаси бўлишини, газета, журнал ва китоблар ўқиш орқали бугун ўзимиз яшаётган шаҳримизда, қолаверса бутун оламда юз бераётган янгиликлардан хабардор бўлишни хоҳлаймиз.

Валижон МИРЗАЕВ,
Мажнунтол 2-тор кўчаси, 7-уй
ТАҲРИРИЯТДА: Биз «Мажнунтол» маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Валижон Мирзаевнинг хатига мутасадди идоралардан жавоб қилиб қолганимиз. Ахир матбуот дўкончалари инсонларга маънавият, зиё улашади. Кимдир китоб, кимдир журнал, яна кимдир газеталар ўқишга меҳр қўйган. Биз уларнинг бу эзгу ният йўлидаги, яхшилик ниҳоллари униб чиқишига рағбат бўладиган ҳайрли ишларини қўллаб-қувватлаймиз.

Айтсам тилим...

СИФАТГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛСА...

Бир пайтлар ҳар қандай маҳсулотлар харидорга сифатсиз қозғаларда ўраб бериларди. Вермишель макоронлар, гуруч унлар фақат қолда бўларди. Ҳозир эса чиройли ўрамларда қадокланади. Ош тузининг илгариги қадокланганини эсланг-у ҳозиргисини кўринг. Музқаймоқларниқун айтмасам ҳам бўлади. Болалар ва набираларимиз чиройини кўриб ҳар қайсисидан олдирадидилар. Сифати ҳақида гап йўқ.

Энди мана шундай сара ишларимиз орасида, гуруч курмакис бўлмайди, деганларидек таъбни хира қиладиган ҳолатлар ҳам баъзан учраб турибди. Масалан, гурут ишлатилмайдиган хонадон бўлмаса керак. Ушбу маҳсулотни ишлаб чиқараётган корхона қутичанинг икки томонида катта ҳарфлар билан «спички» деб ёзиб қўйган. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёрлиги ҳам бор. Бу гурутни сотиб олиб, қақиб ташлаверасиз. Сифатсизлигидан чўпи бир-икки суртганда ёниб-ёнмай, синиб кетади. Картон қозғондан асалган қутичаси бир кунга ҳам етмай, ортиқча сарф-ҳаражатга сабаб бўлмоқда.

«Тома-тома кўл бўлур» деганларидек, кичкина қутичада гап кўп экан. Қанча кўп харид қилсангиз, ишлаб чиқарувчига фойда, истеъмолчига эса зарар экан, деган ҳулосага келдик. «Айтсам тилим, айтмасам дилим» деб ёздим ушбу дил сўзларини, зора гап эгасини топса.

Эркин ИБРОХИМОВ,
Ўрикзор кўчаси, 49-уй, 20-хонадонда истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси

Маънавиятимизга зид ҳолатларга чек қўяйлик

«Оқшом» газеталарида берилган Тошкент шаҳар ҳокимининг «Тошкент шаҳрида ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва «Тошкент шаҳрида Интернет тармоқлари ва компьютер орқали хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари кенг жамоатчилик эътиборини тортмоқда. Ўтган вақт давомида газетхонларимиздан бу борадаги фикр-мулоҳазалар билдирилган кўплаб кўнгириқлар бўлди ва мактублар олдик. Қийда улардан бирини эълон қиламиз.

Дарҳақиқат, бизнинг бир оз бефарқчилигимиз, энг аввало ўзимиз учун, ундан кейин эса жамият учун катта зарар бўлиши мумкин. Бунга барчамиз бирдек тушуниб етишимиз лозим. Демак, бефарқлик — бизнинг энг охиш нуқтамиз!

Интернет — тенги йўқ учинчи дунё, online тармоқ, тезкор янгиликлар манбаи, катта кутубхона, борингки, ҳар бир инсон учун фойдали ва зарарли чексиз ҳудуд. Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда бутун дунё бўйича ҳар тўрт инсондан биттаси интернетдан фойдаланар экан. Унга исталган ерда ва исталган ҳолатда кириш имконияти мавжуд. Интернет сиздан тартиб-интизом, махсус форма ва тозаланиш талаб қилмайди. Балки сиздан факатгина телефон, компьютер, ноутбук ёки Интернет учун махсус бирор мослама бўлса, шунинг ўзи кифоя.

Таассуфки, Интернетга ҳамма ҳар хил мақсад билан қиради. Унга кирганингизнинг ўзида сизни турли ҳис-туйғулар қамраб олади. Ўзи мақсадингиз

нима? Кимдир бирор китоб, аудио ёки видео билан танишишни, яна кимдир янгилик, ахборот ёки керакли маълумот олиш учун, барозлар эса бекорчилик

БЕФАРҚЛИК — ИЛЛАТ

дан дунёда нима гап экан, деб интернетга мурожаат қилади.

Ташвишлиси шунки, ёшларнинг қундалик ҳаёти давомида энг кўп фойдаланадиган воситаси — Интернетдаги «Одно» бўлиб қолди. Қаерга борманг, ким билан учрашманг, гап айланиб «Одно»га такалади.

Эътиборингизга «одноклассники.ру» сайтида содир бўлган реал воқеани ҳавола этмоқчимиз.

«Виртуал мулоқотлар, қизлар билан танишиш, узундан-узоқ суҳбат қуришлар унинг жон-у дили эди. Хуллас, у

интернетда таниқли актрисалардан бирининг суратини қўйиб олиб, «Гули» деган исмда профил очган қиз билан танишиб қолди. Унинг ҳам сайтдаги исми

бошқа эди. Бир-икки гаплашганларидан кейин қизни учрашувга таклиф қилди. Айтилган вақтда, айтилган жойда ўтирган йигитнинг диққатини узоқдан кўринган қиз ўзига тортди. Учрашув жойига унинг синглиси келарди. Қиз ҳам уни кўриб қолди...

Ўзбек қизларимизнинг орияти, ҳаёси, ибоси, ифпати кучли. Уларда ҳеч бир миллат аёлларида кузатилмайдиган ибратли ҳислат ва қобилиятлар мавжуд. Шарқ халқлари азалдан маърифатпарвар

бўлиб келган. Биз Алишер Навоий, Бобур, Амир Темурнинг зурриётларимиз. Уларнинг бизга қолдирган маънавий меросини асраб-авайлаш, келажақда ёш авлодга ўз ҳолича етказиш вазирамиздир.

Ёшларимизнинг онига ёт гоёларни сингдириш ва уларни осонгина қўлга олишда ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш энг қулай усуллардан бирига айланиб қолган. Чунки, бунда Сиз ўзингиз кўрмаган, таниммаган одамларингизнинг рости ёки ёлгон гапирётганини билмайсиз ва уларнинг мақсадлари яхши ёки ёмонлигини ҳам пайкамайсиз. Уларнинг таъсир доирасини камайтириш учун маънавий-маърифий ишларга янада кўпроқ аҳамият беришимиз, ёшларнинг бўш вақтларини интернет сайтларида эмас, тўғрақлар, қўшимча дарслар, машғулотлар билан ўтказишларига қўмақлашимиз керак. Шу орқали анча ютуқларга эриша оламиз, деган умиддамиз.

Сўзимиз аввалида бефарқлик ҳақида тўхталиб ўтган эдик. Шу масалага яна қайтиб, ҳулоса чиқаришга ҳаракат қиламиз. Ён-атрофимиздагиларнинг нима билан машғуллигига бир эътибор берилик. «Менга нима» деган ҳаёдан узоқроқ бўлайлик.

Сизу бизнинг ҳамкорликда иш олиб боришимиз, ёшларни тўғри йўлга бошлашимиз эртამиз учун мустаҳкам пойдевор бўлишини унутмайлик.

Қамолддин ХАМДАМОВ

Саҳифани Шоира МУҲАМЕДОВА тайёрлади

ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ ПАРИСИ БОР

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Шиблий маҳалласида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Мухтор ота Расулов оила даврасида.

Ёлқин
Шамсидинов
олган сурат



Миннатдорлик

МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ

Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси тасарруфидаги кексалар ва ногиронлар, уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари учун Юнусобод туманининг 19-даҳасида жойлашган «Нуронийлар» санаторийси 1992 йили ташкил топган.

Санаторийга республикамизнинг турли вилоятларидан кекса отахон-онахонлар, ногиронлар, уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари йил давомида ўз соғлиқларини тиклаш учун келадилар.

Мазкур санаторийда шифокор кўригидан ўтган, қўйилган тўғри ва аниқ ташхисларга биноан беморлар турли муолажалар олиб, қисқа муддат ичида даволаниб, уйларида қайтадилар. Айни вақтда санаторийда уқалаш йўли билан даволаш, парфин, дорсенвал, УВЧ, сув муолажалари, физиотерапевтик муолажалар, ингаляция, фитобар, даволаш жисмоний тарбияси, стоматолог хонаси ва бошқа хизматлар кўрсатишмоқда. Ҳамширалардан Сабоҳат Собирова, Зарифа Қосимова, Маҳфуза Абдураҳмонова ва Нигора Тожибоева, кичик ҳамширалардан Мунира Ҳамробекова, Сайёра Муротова, Робия Нортеева, Сурайё Тожибоева, Жамила Холмуротова ва Озода Маҳмудова-лар беморларнинг дардида малҳам бўлмоқдалар.

Юртимизда талайгина бағри кенг, олижаноб шифокорлар бор-ки, уларга тасаннолар айтасан киши.

1989 йили ўзим билмаган ҳолда чап оёғимни шамоллатиб қўйдим. Бориб-бориб шамоллаш ўнг оёғимга ҳам ўтди. Узоқ йиллар турли шифохона, ҳатто табибларга бориб даволандим. Нафи бўлма-

ди. Ёшга доир нафақага чиққанымдан кейин 3-4 йилдан сўнг, менга «Нуронийлар» санаторийсига йўлланма беришди. Йўлланмани олиб шифокор кўригидан ўтдим.

Олий тоифали шифокор Гулираёно Шомаксудова томонидан қўйилган тўғри ва аниқ ташхис билан кўнига бир неча хил муолажалар олиб, оёғимда енгиллик сеза бошладим. Улардан чексиз миннатдорман. Гулираёно Шомаксудова нафақат даволаниш шифокор, қолаверса шоира ҳам эканлар. Уларнинг 4 та шеърй китоблари: «Соғинч», «Сизни ўйласам», «Қалбим марвари-ди», «Қўнғил ифори» ҳамда «Бир оғиз ширин сўз», «Едимдасиз яхшиларим», «Узоқ умр кўриш сирлари» китоблари ўз мухлисларини топган.

Опани нафақат санаторий ходимлари, қолаверса турли вилоятлардан келатган беморлар ҳам ҳурмат қиладилар. Чунки, ушбу шифокорнинг тавсия қилган муолажаларидан ташқари ширин сўзлари беморлар дардида шифо бағишлайди.

Биз кексалар, нуронийлар, уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ана шундай заҳматқаш шифокорлар ва ҳамширалар меҳнатидан беҳад миннатдоримиз. Уларга бўлган чексиз ҳурматимизни газета орқали билдиришни ният қилдик.

Саидали СУЛТОНОВ,
меҳнат фахрийси

Оз-оз ўрганиб доню бўлур

ҲАЛОЛЛИК ВА ТЎҒРИЛИК ҲАҚИДА

Ҳалоллик ҳар қандай мартабани безайди.

Ҳалол одамни таъқиб этиш мумкин, лекин уни бадном қилиб бўлмайди.

Ҳалол одам бировнинг ҳақиқага хиёнат қилмайди.

Шайх Саъдий айтади: «Тўғри йўлда юрган одам номусли, матонатли, берган ваъдасида қаттиқ турувчи бўлади, ҳеч кимни алдамайди, тўғрилиқдан ажралмайди, тўғрилиқнинг энг улуғ фазилат эканини билади».

Дунёда ҳалол одамдан буюроқ зот йўқ.

Ҳалол яшаганингни сезиб юрсанг, ҳаёт нашъали ва ширин туюлади.

Бир умрга бахтли бўлишни истасанг, ҳалол одам бўл.

Бир отанинг ўз фарзандига қилган насиҳатлари:

1.Эй ўғил, ҳаётда муваффақият қозониш, жисман ва руҳан мукаммал бўлиш учун ҳалол бўл, меҳнатни сев. Ҳалол меҳнат қилган одам икки дунёда кам бўлмайди.

2.Ялқовлиқдан узоқлаш. Ғайратли бўл. Вужудингни ҳаракатга бағишла. Тинма, тириш, олға бос.

3.Эҳтиёт бўл. Ҳамма ишингда тартиб ва интизомга риоя қил.

4.Сенга жамият томонидан топширилган вазифани тўғрилик ила бекаму кўст адо қил.

5.Ҳақиқатни сев, юриш-туришингда содда ва табиий йўлни тут.

6.Самимий, пок қалбли, виждонли ва ҳақгўй бўл.

7.Қаноатли, ҳаммага меҳрибон ва ғамхўр бўл.

8.Тўғрилиқ ва шижоатни ўзингга шиор қилиб ол.

9.Шараф ва номусингга доғ тушириш эҳтимоли бўлган ҳар турли завқ ва сафодан кеч.

10.Гўзал ахлоқнинг матонати, ҳиссиётнинг олижаноблиги билан вужудингга сихат ва латофат бағишла.

Сукрот Ҳаким айтади: «Ҳалол меҳнат, муҳтожларга ёрдам, ғазаб вақтида ёмон сўзлардан тилни, бировни ранжитишдан қўлни тийиш, камчиликни битириб, ёмон ҳулқ-атворни тузатиб, гўзал ахлоқ эгаси бўлиш — энг зўр фазилатдир».

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Тошкент окшоми» газетасининг 2015 йил 15 июнь кунги 122-сонидан чоп этилган хабарномадаги, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 4-уйда жойлашган 1, 2, 3, 4, 5-хонадонларнинг аукцион савдоси Миробод туман СИБНИНГ 2015 йил 17 июнь кунги хатига асосан тўхтатилди.

«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.

«Тошкент окшоми» газетасининг 2015 йил 15 июнь кунги 122-сонидан чоп этилган хабарномага қуйидаги ўзгаришлар киритилмоқда:

— 2015 йил 14 июль ва 2015 йил 1 июль кунги аукцион савдолари санаси «2015 йил 21 июль ва 2015 йил 7 июль» деб ўқилсин.

— аукцион савдосида қатнашиш учун тўланадиган закатлат пули: «кўчмас мулк бошлангич нарҳининг 40% миқдоридан кам бўлмаган» деб ўқилсин.

«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти

ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Первый канал

04.00 Телеканал «Доброе утро»
07.00, 08.00, 11.00, 14.00, 02.00
Новости
07.05 «Пусть говорят»
08.10 Контрольная закупка
08.30 «Вести-здоровье»
09.35 Модный приговор
10.30 Фазенда
11.15 Т/с «Старшая дочь»
11.35 Смак
12.30, 14.20 «Время покажет»
15.10 «Мужское/Женское»
16.10 «Наедине со всеми»
17.00 Вечерние новости
18.00 «Давай поженимся!»
18.30 «Пусть говорят»
20.00 «Время»
20.30 Т/с «Курортный роман»
22.00 «Вечерний Ургант»
22.30 Ночные новости
23.00 «Взгляд»
00.05 «Наедине со всеми»
00.55 «Время покажет»

ЧОРШАНБА, 24

01.45, 02.05 Модный приговор
02.45 «Мужское/Женское»

Россия

05.00, 09.15 «Утро России».
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 17.30, 20.00 Вести.
09.55 «О самом главном».
11.35, 14.30, 17.10, 19.35 Вести.
11.55 Т/с «Тайны следствия».
12.55 «Особый случай».
14.50 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с «Последний январь».
16.00 «Рассудят люди».
18.00 «Паромы эфир».
20.50 «Спокойной ночи, малыши».
21.00 Т/с «Вне только начинается».
22.55 «Специальный корреспондент».
00.00 Т/с «Курсанты».
02.30 Х/ф «Американская трагедия».
04.00 «Комната смеха».

НТВ

05.00 Кофе с молоком
09.00 Солнечно. Без осадков
09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня
09.20 Т/с «Присяжные Мухтара»
11.00 Суд присяжных

21.55 Европа ў
мусобақалари.

13.30 Все будет хорошо!
14.30 Чрезвычайное происшествие
15.20 Т/с «Улицы разбитых фонарей»
17.00 Говорим и показываем
18.40 Т/с «Меч II»
20.30 Т/с «Ментовские войны»
22.20 Анатомия дня
23.00 Т/с «Псевдоним «Албанец»
00.55 Квартирный вопрос
02.00 Дикий мир
02.10 Т/с «Знаки судьбы»
04.00 Т/с «Москва. Три вокзала»

**ОБОД ШАҲРИМ —
ОЗОДА ШАҲРИМ**
ҳар шанба ва якшанба —
тозалик куни

13.40, 14.20 «Время покажет»
15.15 «Мужское/Женское»
16.10 «Наедине со всеми»
17.00 «Вечерняя Москва»
18.00 «Давай поженимся!»
19.00 «Путь героя»
20.00 «Время»
20.30 Т/с «Курортный роман»
21.20 «Вечерний Ургант»
22.55 Ночные новы
23.10 На ночь глядя
23.40 «Наедине со всеми»
00.50 «Время покажет»
01.35, 02.05 Молный приговор
02.35 «Мужское/Женское»

Россия

05.00, 09.15 «Утро России»
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 17.30, 20.00 «Время»
09.55 «О самом главном»
11.35, 14.30, 17.10, 19.35
Вести-Москва.
11.55 Т/с «Таинные следствия»
12.55 «Соборный случай»
13.00 Т/с «Девушка в белом»
14.00 Т/с «Последний январь»
15.00 «Рассудат людей»
16.15 «Прямой эфир»
20.50 «Спокойной ночи, малыши»
21.00 Т/с «Все только начинается»
22.55 Т/с «Курсанты»
02.40 Х/ф «Американская трагедия»
04.15 «Комната смеха».

НТВ

05.00 Кофе с молоком

ПАЙШАНБА, 25

08.00 Солнечно. Без осадков
09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня
09.20 Т/с «Возвращение Мухоморова»
11.00 Суд присяжных
12.20 Суд присяжных. Окончательный вердикт
13.30 Все будет хорошо
14.30 Чрезвычайное происшествие
15.20 Т/с «Улицы разбитых фонарей»
17.00 Говорим и показываем
18.40 Т/с «Меч-П»
20.30 Т/с «Ментосские войны»
22.20 Анатомия дня
23.00 Т/с «Псевдоним «Албанец»
00.55 Дачный ответ
01.00 Дачный мир
02.10 Т/с «Знаки судьбы»
04.00 Т/с «Москва. Три вокзала»

(Давоми келгуши сонда)

кунин ҳаво ўзгариб
ёғингарчилик бў

шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратадди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.